



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељағи
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: info@xs.uz

2005 йил 22 март, № 56 (3601)

Сешанба

СОЧИБ ЗАР ФУНЧАЛАР КЕЛДИ БАҲОРИМ, ФАРАҲЛИ ФАСЛИ НАВРЎЗ-НАҲОРИМ!

Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон
Миллий боғида
нишонланган байрам
тантаналаридан репортаж



Инсон умрини табиат
фаслларига қиёслаш мум-
кин. Одам боласи ҳам ту-
рилгандан бошлаб бахор
куртаклари сингари ти-
рикликка, яшашга инти-
лади. Ёз каби сахий у —
атрофдагиларга нафим
тегсин, дейди. Куз янглиг
вазмин, қишли-қировли
кунларнинг қорларидек
қалби оппоқ бўлади. Гар-
чи қорни кўз олдиға кел-
тирган одам дастававл
аёзу изгиринни эсласа-
да, аслида, қор эртанги
кунимизнинг ризқ-наси-
басига озикдир. Одамзот
умри шу тарзда маъно-
моҳият касб этса, у яша-
ётган юрт обод бўлади.
Эл-улус қалбида бунёд-
корлик кайфияти барқа-
рорлашади. Шу боис бу-
гун жойларда ободончи-
лик-кўкаламзорлаштириш
ишлари авжига чиққан.
Кимдир ён-атрофни обо-
донлаштираётти. Яна
кимдир набираси билан
кўчат ўтказаяпти. Бемор-
лар ҳолидан хабар олиш
эсдан чиқмайди, муҳтож
одамға кўмак беришни
фарз деб билган хотам-
той одамлар кўп. Булар-
нинг бари ўзбекона хис-
лат саналади. Ҳеч бир
мамлакатнинг урф-одат-
ларини камситмаган

ҳолда шоир таъбири бил-
ан айтсак: "Ўзингдан
қўймасин, халқим!"
Комил ишонч билан
айта оламизки, она-Вата-
нимиз — Ўзбекистонда
мана шундай кайфият
хукмрон. Бугун мамлака-
тимизда рўй бераётган
ўзгаришлар ҳар бири-
мизнинг қалбимизга эр-
танги кун умиди билан
яшаш ишқини уйғотмоқ-
да.

Наврўз истиқлолнинг
ҳайъбахш экинлари ту-
файли юртимизга қайт-
ди. Аммо фақат байрам
сифатида эмас, балки аж-
додлардан мерос анъа-
наю удумларни олиб кел-
ди, минг йиллардан бери
шаклланган урфларимиз

билан қайтди. Шу боис
ҳам биз Наврўз ҳақида
гапирганимизда, албатта,
уни миллий деймиз, хал-
қона деб аташга одатлан-
ганмиз. Шунинг учун ҳам
ҳукуратимиз халқимиз-
нинг севилими, азалий
байрами Наврўзни чина-
кам халқ шодиёнаси, ом-
мавий сайил тарзида
ўтказишга алоҳида эъти-
бор қаратди. Ана шу
эътибор боис бугун юр-
тимизнинг ҳар бир гўша-
сида, энг чекка туманла-
рида, қишлоқларида ҳам
Наврўз кўтаринкилик бил-
ан нишонланапти. Бай-
рам нафаси аллақачон
одамлар қалбига, шоир
илҳомига, хофиз қўшиғи-
га кўчи улгурди.

Бугун ҳар бир маскан-
да юртимиз фуқаролари
Президентимизнинг
Наврўз байрами муноса-
бати билан йўллаган таб-
риғидаги: «Бундан минг
йиллар аввал ҳам мана
шундай Наврўз айёмида
аждодларимиз, ота-бобо-
ларимиз кўш ҳайдаб, да-
лага дон сочиб, одамға
куч-қувват берадиган су-
малак ва ҳалим каби тан-
сиқ таомлар тайёрлаб,
мўл ҳосил, ризқ-рўз тилаб
пок ният қилганлар, шоду
хуррамлик билан кўклам
нашадисини сурганлар»
деган ниятларини алоҳи-
да мамнулик билан қар-
ши олдилар.

Пойтахтимизнинг бар-
ча марказий майдонлари

ва хиёбонларида ҳам бай-
рамға катта тайёргарлик
кўрилди. Элимизнинг ар-
доқли санъаткорлари хиз-
матда.

21 март. Соат 10. 00.
Биз Ҳазрат Алишер На-
воий номи билан аталув-
чи Ўзбекистон Миллий
боғида. Бу ерга таш-
риф буюрган юртдошлар-
имиз, мамлакатимизда
фаолият кўрсатаётган хо-
рижий давлатлар элчи-
налари ва халқаро ташки-
лотлар вакиллари чор-ат-
рофнинг ўзгача дид,
ажиб меҳр билан байра-
мона безатилганини кўриб
инсоннинг қўли гул,
деган нақл бениз айтил-
маганлигига яна бир бор
иқрор бўлдилар. Зеро,

Миллий боғимиз чиндан-
да, келинчақдек чирой
касб этиб, ўқтам кўведек
ажралиб турибди. Май-
донга боришдаги йўлак-
ларда қозонларнинг шак-
ли ҳам, уларда тайёрла-
наётган таомлар ҳам тур-
лича. Дошқозонларда су-
малак қайнаётганини кўриб,
шу кунларга ет-
занга беихтиёр шукро-
налар айтасан, киши.
Саҳнанинг орқа фонида
Ўзбекистонимизнинг
мафтункор, гўзал табиа-
ти, лозазорлар, яшнаган
чаманзорлар жамоли,
турафа безаклар, ранг-
баранг пуфаклар, лент-
лар акс этганини кўриб,
осмони мусаффо, зами-
ни ҳосилдор, суви ши-
рин шундай гўзал юрда
яшаётгани билан фах-
рланасан...

Тошкент шаҳар ҳокими
Рустан Шоабдурахмонов
меҳмонларни миллий
байраминиз — Наврўзи
айём билан қутлади.

Амфитеатр саҳнидан
жой олган меҳмонлар
ҳаяжон ила саҳнаға диқ-
қат-эътиборларини
қаратдилар. Майдон узра
жилдираб оқаётган сув
садоси, булбуллар хони-
ши, гуллар очилишини

(Давоми 2-бетда).

Айём гурунги

Наврўз сайиллари бошланди. Қиш бўйи зерик-
кан, совуқ кунлардан чарчаган табиатдаги уйғониш
энди одамларға кўчиб ўтди. Президентимизнинг
Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриғида
таърифланганидек, эшик қоқиб, «Ассалом, ай азиз
инсон!» деб оstonамиздан кириб келаятган Наврўз
барчага олам-олам шодлик улаша бошлади. Бол-
аларни айтмайсизми, халқ сайилларининг шукуҳи
айнан байрам арафасида таътилға чиққан болалар
қувончида акс этаётгандек.

Газетамиз мухбирлари ҳам пойтахтда аллақачон
бошланиб кетган ва ҳали анча давом этадиган бу
сайилларда қатнашиб, Тошкентта узоқ-яқиндан
келган меҳмонлар ва шаҳримиз аҳлининг хурсандчи-
лигига шерик бўлишди.

ЭЛ КЎЗИДАГИ ҚУВОНЧ

Бўрон РЎЗИЕВ, Ўзбекистон Қажра-
мони, «Муборакнефтгаз» корхонаси
кузатувчиси:

— Қашқадарё замини табиий захира-
ларға бой. Бурғуловчи бўлиб иш фаоли-
ятини бошлагандим, қаранг, шунга ҳам
элик йилдан зиёд вақт бўлибди. Кўплаб
конларни излаб топилса ҳам бори-
гидан доимо фарҳаниб юраман. Ҳозир
нафақада бўсам-да, ёшларға ўз иш таж-
рибаларини ўргатиб келаятман. Байрам-
ни пойтахтда нишонлашға келгандик. Бу
ердаги ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини кўриб хур-
санд бўлдим. Айниқса, Президентимизнинг Наврўз айёми
муносабати билан халқимизға йўллаган дил сузларини
эшитиб, ҳар галгидек, бошим осмонға етди.

Бу йил қиш ҳам, баҳор ҳам деҳқонларимиз қутгандай
яхши келаяпти. Тилагим юртимиз доимо тинч бўлсин, яхши
ният билан бошлаган ишларимиз доимо олдинға силжий-
версин.

Жалоловлар оиласи (Навоий шаҳридан).

Мўхтарам ЖАЛОЛОВА, уй бекаси:

— Биз ҳаммиз Наврўз байрамини интиқлик билан қута-
миз. Чунки бу айём оиламиз учун қўшалок байрам бўла-
ди. Баҳорнинг энг чиройли байрами қизларим — Фотима
ва Зухранинг туғилган кунига улашиб кетади. Тилагим
шуки, Наврўз доимо барчамизға ана шундай байрамлар
тортиқ қилверсин. Юртбошимиз бай-
рам табриғида айтганидек, диёримиздан
меҳру оқибат, файзу барака ари-
масин!

Халил ЖАЛОЛОВ, Навоий тоғ-кон
металлургия комбинати ходими:

— Бу йилги Наврўзни биз ҳар гал-
дан бошқачароқ нишонлашға қарор
қилдик. Энди севилими байраминиз
халқ сайиллари тарихида ўтказилишини
эшитиб, Санобархон, Фотимахон ва
Зухраҳонларни Тошкентта саёҳатға
олиб келдим. Кўриб турганимиздек, айниқса Наврўз ки-
риб келган анда чирой оған пойтахтимизни кўриб қиз-
ларимизнинг боши кўкка етди. Шундай гўзал ва маҳобат-
ли пойтахтға эға юрда яшашнинг ўзи бахт.

Мақсуд ЖАЛОЛОВ, Тошкент юридик коллежи
талабаси:

— Бу гал барча курсдошларим ва устозларим билан
бирға коллежда ҳам байрам қилдик. Байрам баҳонасида
билим даргоҳимизда жуда катта шанбалик ўтказдик. Нав-
рўзнинг рости ҳам янгилашни айёми эҳалигини яна
бир бор хис қилдим. Мен учун энг катта совға — ота-
онам ва сингилларимнинг Тошкентта келгани бўлди.

Феруза ҚОДИРОВА, тиббиёт ходими (Бойвўт
шаҳри):

— Бир гуруҳ дўгоналарим,
ҳамкасбарим билан
Тошкентта айлангани келдик.
Вилоятимиз пойтахтға яқин
бўлгани учунми, ҳар байрам-
да шундай сафар уюштириш
анъанамиз бор. Шаҳарнинг
барча хиёбонлари, кўчалари,
майдонлари байрамона беза-
тилганиға гувоҳ бўлдик.
Одамлар кайфиятида ҳам
кўтаринкилик.

Бизнинг Бойвўт шаҳарча-
мизда байрам ўзгача кутиб
олинади. Турли халқ уйинла-
ри уюштирилади. Дўгонала-
рим атлас кўйлақларини
кийиб, сайилларда лапарлар
айтишди. Бир тарафда мо-
соларимиз Наврўз таоми —
сумалак тайёрлаш билан
банд бўлишди. Шундай кез-
ларда сокин ва осоишта юрда
яшаётганимиздан хурсанд
бўлиб кетасан. Шукроналар айтасан.

Аброр ҚИЛИЧЕВ, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-
ститутини 4-курс талабаси:

— Биз ҳар йили Наврўз арафасида
ўз ётоқхонамизда сумалак қиламиз.
Кеча ҳам сумалак пиширдик. Туни бил-
ан қозон бошида орзуларимизни ай-
тиб, уларға эришини худудан сўра-
дик. Бувимнинг айтишларинча, сумалак
қайнаётган қозон бошида айтилган
эзгу тилақлар ижобат бўлариниш.

Шундай шодиёнада дадам синглим
билан байрамини бирға нишонлаш учун
Қашқадарёдан Тошкентға келибди.
Шаҳримизда бўлаётган Наврўз тан-
таналарини уларға кўрсатиш учун Амир
Темур хиёбонини айланиб юрибмиз.
Шундай кезларда барча юртдошла-
рим кўнгилларига ёшариш фасли илқикли олип келишға
тилақдошман.

«Халқ сўзи» мухбирлари
Зиёдулла ЖОНИЕКОВ, Ботиржон ҒОҒУРОВ,
Юнус БЎРОНОВлар эзиб олишди.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

САЙИЛ-ТОМОШАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

Наврўз дилларни, кўнгилларни бирлаштиради, деганлари рост гап. Чунки унинг шавқи, завқи
одамларда чинакам байрам кайфиятини уйғотади. Кеча пойтахтда катта хурсандчилик билан
кутиб олинган Наврўз вилоятларда ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. Ажиб бир тароват билан
бошланган байрам тантаналари сайилларға, куйлар қўшиқларға улашиб кетди.

КОРАКАЛПОГИСТОНда
Наврўз тантаналари улуг Қурбон-
бой Жиров ва атоқли хофиз Ота-
жон Худойшукуровнинг киндик
қони томган Тўрткўлдан бошлан-
ди. Қадимий Қалтаминор ва Мис-
кин, Шураҳон ва Уллубоғ овулла-
рида, туман марказида халқ сай-
иллари, Тўрткўл шаҳридаги «Ян-
гиобод» маҳалласида анъанавий
халқ томошалари бўлиб ўтди.

Бўстон шаҳридаги сайил ранг-
баранг дастурға эға бўлган бўлса,
Мўхаммад Юсуф номидаги ака-
демик лицейда байрам уч авлод
учрашуви тарзида ўтди. Шаҳар-
да ўтказилган Наврўз мушоира-
сида Оролбўйининг пешқадам
шоирлари иштирок этишди.

Бир неча минг йиллик тарихға
эға Хўжайли, Шуманай, Қангли-
кўлда ҳам байрам навалари авж
пардаларда янгради.

Бердақ боғларининг бош сай-
йли Нукус шаҳридаги 12 та ис-
тироҳат масканлари ва хиёбон-

ларда ўтказилди. Бадий-театр-
лаштирилган томошаларда санъ-
ат усталари ва ижрочи ёшлар-
нинг ажойиб қўшиқлари, жозибали
рақслари ҳавола этилди. Ну-
кус шаҳрида ўтган халқ сайлида
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўкорги Кенгеси Раиси,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенати Раисининг
ўринбосари Муса Ерниязов иш-
тирок этди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КАШҚАДАРЁ вилоятида
Наврўз байрами ўзининг қадимий
анъаналарига мос тарзда
ўтди. Тоғли Деҳқонобод тумани-
нинг қир-адирларида фольклор
гуруҳларининг халқона қўшиқла-
ри, уйинлари намойиш этилган
бўлса, Миришкорнинг бағри кенг
яйловларида чўпонларнинг хуш-
чақчақ давралари, полволларнинг
беллашувлари ва ўзбекча, турк-

манча айтишувлар билан қизиди.
Ҳамма жойда халқ сайиллари
авжга чиқди.

Ўзининг 2700 йиллигини ни-
шонлашға ҳозирлик кўраётган
Қарши шаҳрида байрам янада
кўтаринки руҳда ўтди. Мулла
Тўйчи Тошмухаммедов номидаги
вилоят мусикали драма театри
олдидаги катта майдонда «Қади-
мий Насаф Наврўз оғушида» деб
номланган театрлаштирилган то-
моша намойиш этилди.

Байрам тантаналари боғлар ва
оромгоҳларда давом этди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Байрам тантаналари ҳар бир
Наврўз саҳнасиға қиёслаш мум-
кин. Ешу қари вилоят маркази-
даги Аҳмад Фароний номидаги
истироҳат боғи томон ошқадди.
Илгарилари боққа битта саҳна
ўрнатилиб, байрам томошалари-
ни таклиф этилганларини кўрган

бўлса, бу йил Наврўз оммавий
сайил сифатида нишонланди.

Шу кунни вилоятнинг мингдан
зиёд маҳаллаларида бир пайт-
нинг ўзида элга ош тортилиб, су-
малак улашқиди. 15 мингдан зиёд
ногиронлар, кўнгли яримларнинг
боши силаниб, 197 миллион сўмлик
совға-саломлар тарқатилди.

— Наврўз кунлари қишлоқ аҳли
туман маркази — Воғлига ёки
Фарғонаға ошқарди, — дейди
шоҳимардонлик 80 ёшли Юнус
ота Эргашев. — Бу сафар эса
эски анъанадан воз кечдик. Мана
қишлоқнинг ўзида бинойидек,
жуда ихчам, чиройли қилиб бай-
рамни нишонладик.

Байрам тантаналари ҳар бир
хонадон, ҳар бир қишлоқда да-
вом этмоқда. Дастурхонлари эса
Наврўз таомлари безамоқда.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

Умуммамлакат марафони

Аҳолининг кенг
қатламини оммавий
спорт машғулотлари-
ға жалб қилиш
мақсадида Наврўз
байрамини бағишлаб
ташқиллаштирилган
умуммамлакат
марафони иштирок-
чилари марра томон
дадил интиломқда.

Марра яқин

Термиздан старт ол-
ган иккинчи — Тер-
миз—Китоб—Самарқ-
анд—Жиззах—Гулистон
—Тошкент йўналиши
иштирокчилари ўтган
кунни Қашқадарё вилоя-
тининг Деҳқонобод ту-
манида катта тантана
билан қутиб олинди. Бу
ерда иккинчи йўналиш
бўйлаб келаятган Сур-
хондарё ва Жиззах ви-
лоятлари спортчилари-
ға Қашқадарё терма
жамоаси ҳам қўшилди.
Куннинг иккинчи ярми-
да мусобақа қатнашичи-
лари Фузор туманига

(Давоми 2-бетда).

СОЧИБ ЗАР ФУНЧАЛАР КЕЛДИ БАҲОРИМ, ФАРАҲЛИ ФАСЛИ НАВРЎЗ-НАҲОРИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

ифодаловчи рамзий лавҳалар кўзга ташланганда дилда ҳаяжон уйғонади. Беихтиёр раҳмат атоғига раҳмат сазасиз ва вилоятларимиз ўзига хос гиламлар, наматлар, кигизлар билан миллийликни акс эттириб туришганига гувоҳ бўласиз.

Бундай байрам тинч-хотиржам юртда, одамлари соғ-омон элга ярашади. 2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб аталиши ва шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурида юртимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилапти. Бу деган инсонга эҳтиром, келажак авлод учун гам-хурлик демекдир. Жойларда замонавий кишлоқ врачлик пунктларини бунёд этиш, уларни малакали кадрлар билан таъинлаш бугунги кунда

давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зотан, буюк келажакни соғлом, ватанпарвар, фидойи авлодга қурбон қилиш. Давлатимиз раҳбарининг ёшларга кўрсатаётган гамхўрлиги замирида уларни бахтли қўришдек олиёҳаноб мақсад мужассам. Бу ўринда Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган сўзларини эслаш кифоя, деб ўйлаймиз.

Наврўз нафақат эзгу тантаналар шодийнаси, шу билан бирга яратилиш, яшатиш, бунёдкорлик айёми ҳамдир. Зотан, бундай ишлар ёш ва нажирон юртимизни жаҳонга танитишда муҳим қадамдир. Шу маънода айтадиган бўлсак, мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилиши тимсолида ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр бошланди.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида ана шу янги босқичда амалга оширилган ишлар нималардан иборат эканлиги кўрсатиб берилди. Бунда энг аввало бош мақсади янги жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни демократлаштириш ва ислоҳ қилишдан иборатдир.

Ана шу эзгу мақсадлар самараси ўлароқ бугун юртимизнинг нафақат марказий ҳудудларида, балки энг чекка ҳудудларида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, олис кишлоқларимизда ҳам замонавий лицей, коллежлар барпо этилапти. Азиз авлиёларнинг қадамжолари обод қилинмоқда, халқимизнинг ардоқли кишиларига муносиб эътибор кўрсатилинмоқда. Жорий йилда мамлакатимизда

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Маъмур академиясининг 1000 йиллиги, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг 100 йиллиги кенг нишонлиши фикримиз исботидир.

Ҳазрат Навоий ҳайкали пойидан то саҳнага қадам икки ёнда турган гуруҳлар таъзимлар ила, ўзгача назоқат билан туришибди. Саҳнада созандалар гиж-жақда майин навоин ижро этади, Ватанни, Байрамни мадҳ этувчи шеър ўқилгач, карнай-сурнай садолари остида йигитлар ва қизлар рақси, дуторчилар, найчилар, скрипкачилар ижроси намойиш этилади. Қўшиқ ва рақсларга навбат берилди.

Наврўзни миллий аъналаримизни намойиш этувчи кўзгу деймиз. Бунинг исботи саҳнада ҳам акс этиб, Наврўз уйинлари — арқон тортиш, чиллак, «Оқ теракми, кўк терак» сингари уйинлар ижро этилади. Масҳарабозлар, қўғирчоқбозлар, ёғоч от уйинчилар ҳам ўз истеъодларини кўрсатадилар.

Элимизнинг ардоқли санъаткорлари Ҳалимахошим, Тамарахошим, Муҳиддин Қориеқубов, Таваккал Қодиров ижро этган халқ қўшиқлари, лапар, айтишувлар, ёр-ёрлар, яллалар ёшлар ижросида талқин этилади. Катта ашулалар ижро қилинади.

"Фасли наваҳор ўлди, кетибди зимистонлар, Дўстлар, ганиматдур сайр этинг гулистонлар."

Субҳидам тушиб шабнам, бўди сабзалар хуррам, Гул уза томиб кам-кам, Ёди абри-найсонлар..."

"Ўзбекистон — умумий уйимиз" кўринишида эса юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари иштирокида уларнинг маданияти, урф-одатларини акс эттирувчи лавҳалар намойиш этилади. Хар бир композиция намойиши оралиғида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларимизнинг бадиий жамоалари ўзларининг байрам чиқишлари билан қатнашдилар.

Наврўз тантаналари чоғида ана шу шуқуҳни, миллат қайғусини ўйлаб олиб борилаётган ислохотларни, бунёдкорликни тараннум этувчи қўшиқлар янграйди. Юртимизнинг машҳур санъаткорлари, "Нихол" мукофоти соҳиблари ўзларининг янги қўшиқ ва рақслари билан байрамга шуқуҳ, меҳмонлар қалбига завқ олиб қирадилар.

Ўзбекистон Миллий боғидаги Наврўз байрами самога минглаб шарларнинг учирлиши билан яқунланди. Табиийки, унинг таровати бутун юрт узра, қалблардан қалбларга кўчиб юраверади. Жойларда, маҳаллаларда, юртимизнинг энг чекка кишлоқларида ҳам халқ сайли давом этаверади. Байрам шуқуҳи барчани яратиб, яшатишдек эзгу юмушларга дэъват этади.

Юртимизга хуш келибсан, Наврўзи олам!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар. **Абдувоҳид ТўРАЕВ,** **Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА)** олган суратлар.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

САЙИЛ-ТОМОШАЛАР ЭТАДИ ДАВОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

САМАРҚАНДА Наврўз сайли қўхна Регистондан бошланди. Дорбозлар томошалари, санъаткорлар чиқишлари, турли хил спорт беллашувлари ҳамма-нинг эътиборини жалб этди.

Наврўз арафасида Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган ишлар, айниқса, мактовга арзигулик. Қисқа вақтда самарқандликларнинг бу сеvimли оромгоҳи бутунлай қайта тикланиб, чинакам сайилгоҳга айланди.

Шаҳардаги «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» истироҳат боғлари, Сартена даҳасидаги байрам тантаналари ҳам одамлар қалбидидаги Наврўз ташналигини, соғинчини ифодалади.

Самарқанд шаҳри билан бир қаторда кишлоқ туманларида ҳам Наврўз шодийналар кенг нишонланди. Чорвадорлар юрти Нуробод ва Қўшрабоннинг бепеён яйловлари, қир-адирларида чавандозлар хайкириги янгради. Унлаб янги иншоотлар қад ростлади. Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида 26 та янги иншоот ишга туширилди.

Абдурауф САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Наврўз **ХОРАЗМДА** ўзгача бошланди. Воҳода қир-адирлар, тоғу тошлар йўқ. Шу боис табиат уйғонганини довархатлар кўртак кўрсатганидан, бугундоғлар яшилликка бурканганидан, деҳқоннинг даласи етилганидан сезиш мумкин. Хоразм мамлакатимизнинг шимолий худуди бўлгани боис, айни Наврўз байрами кунлари бу ерда табиат уйғонади. Маҳалла-қўй, қўни-қўшнилар дошқозон атрофида жам бўлишиб, сумалак тайёрлашга киришдилар. Уйинкулгу, сайил-томошалар бошланди.

Вилоятда байрамга тайёргарлик барча маҳаллалар, кишлоқларда ободонлаштириш, кўча ва хиёбонларни тозалаш, кўчат ўтказишдан бошланди. Жалолддин Мангуберди, «Авесто» ёдгор-

лик мажмуида, Амир Темур номидаги истироҳат боғида бўлиб ўтган театрлаштирилган томошалар сермазмун ва унутилмас бўлди.

Байрам кунларига ҳам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиш, байрам совғалари улашиш каби хайрия тadbирлари бошлаб юборилган эди. Бу байрам табаррук Хоразм воҳаси ахлининг қалбини ғурурга тўлдирди.

Ойбек РАҲИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Хар жойнинг, хар кўнглининг ўз Наврўзи бор. Шу боис ҳам **СУРХОНДАРЁ** воҳасининг ҳар бир кишлоғи, туманида байрам шодийналари ўзгача шуқуҳ билан бошланди.

Воҳодаги энг катта сайил Термиз шаҳрида бошланди, шаҳардаги 5 та боғ, хиёбонлар одамлар билан гавжум бўлди. Қариялар чойхонасида йиғилганларга бахшилар терма достонлар айтиб берган бўлса, бадиий ҳаваскорлик дасталари "Алпомиш" боғидан Амфитеатр саҳнасини обод қилди.

Шу кунги Қўмқўрган туманидаги Мустақиллик ва Янгиер маҳаллалари ёшлари тарафма-тариф бўлиб спортнинг ўн битта тури бўйича мусобақалашган бўлса, қизиқлик ҳар бир оила маҳалласи ва кўчасига 50 тулдан мевали дарахт кўчатлари ўтказишди. Ёшу қари байрам дастурхони атрофида жамул-жам бўлганда эса айтишувлару аския авжа қилди.

Сайиллар бунёдкорлик юмушларига улашиб кетмоқда. Вилоят деҳқонлари чигит экиши бошладилар. Қўмқўрган — Бойсун темир йўл қурилиши, Тўпаланг гидроэлектр станциясида қурилиш ишлари янаям жонлантирилиб юборилди. Наврўз янги-янги ниятлар қарор топган кун бўлиб, хар бир қалбада порлаб туради.

Олимжон УСАНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Наврўз бир кунлик байрам эмас. Унинг наҳидаси дала ва боғлар, шаҳар ва кишлоқларда, меҳнат жамоаларида бутун ой мобайнида давом этади. Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида ҳикоя қиламиз.



Сен бизга азизсан...

Табиат уйғонди. Қир-адирларнинг кўм-кўк либоси, дарахтларнинг маржондек кўртаклари одамларга завқу шавқ бағишлади.

Ота-боболаримиз азал-азалдан деҳқончилик ишларини айни кун ва туннинг тенглашиши — Янги кун — Наврўздан бошлашган. У катта шодлик, хурсандчилик билан байрам қилинган. Кекса отахонлар фотиҳа бериб, деҳқончилик ишларига барака тиланганлар.

Наврўзни кексаю ёш бирдек интиқлик билан кутади ва атай тайёргарлик билан пешвоз чиқади. Молларимиз сумалак пишириш ҳаракатида бўлишса, қиз-жувонларимиз

кўк сомсаю чучваралар ва хар хил ширинликлар тайёрлаш тараддуди-га тушадилар.

Халқимиз меҳмондўст халқ. Шу боис меҳмон кутишни у келмасдан бошлади. Наврўз ҳам ана шундай тараддуд билан кутиб олинади. Арик-зоғурлар тозаланади, янги кўчатлар экилади, дарахтлар оқла-ниб, атроф-муҳит кўкаламзорлашти-рилади.

Пойтахтимизнинг Чустий номли маҳалласида ҳам Наврўз муносиб кут-иб олинди. Ёшу қари бир ёқадан бунд чиқариб, маҳалла ободчилиги учун ҳаракат қилишди. Шундан бўлса керак, маҳаллага ташриф бу-

юрган хар қандай киши кўчаларнинг раволиги, чор-атрофининг тоза-озод-лигидан завқ олади. Байрам ба-ҳонасида кам таъминланган, ногирон ва кекса отахонларга совға-саломлар улашади.

— Бу йил Наврўзни ёрдамга муҳ-тож оилаларга ёрдам кўрсатиш, ма-ҳалламиз фахрийларини эъзозлаш ишларидан бошладик, — дейди Со-бир Раҳимов тумани Чустий маҳал-ласи фуқаролар йиғини раиси М. Шодиев. — Байрам кунини бутун маҳалла ахлини Наврўзга бағишлан-ган тўқин дастурхонга таклиф этдик. Дошқозонларда сумалаклар пи-ширилди. Хар хил уйинлар ташкил

этилди. Байрам баҳонасида маҳал-ламиз аҳли эл-юрт ҳурмат-эътибо-рига сазовор бўлган санъат, фан, сиёсат арбоблари билан бирга бўлдилар. Улар билан бевосита му-лоқот қилдилар. Байрам баҳона-сидаги бундай учрашувлар келаж-ак авлоднинг тўғри йўл танлаши-га ёрдам беради.

Маҳалла сардори Мирзақалон Шодиев табиатан ижодкорларга яқин, ташкилотчи инсон. Юртимиз-да фаолият кўрсатаётган «Наврўз» хайрия жамғармасининг тамал то-шини қўйганлар сафида бўлганли-ги билан гурулланади. Шу маъно-да Наврўз бу маҳаллада бор бўйи билан намоеён бўлди, десак ян-лишмаймиз.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 22 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*

1 Австралия доллари	855,60
1 Англия фунт стерлинги	2071,61
1 Дания кронаси	193,53
1 БАА дирҳами	293,54
1 АКШ доллари	1078,12
1 Миер фунти	186,20
1 Исландия кронаси	18,41
1 Канада доллари	896,12
1 Хатой юани	130,26
1 Малайзия ринггити	283,75
1 Поляна злотийси	353,31
1 СДР	1658,09
1 Туркия лираси	824,88
1 Швейцария франки	931,34
1 ЕВРО	1440,91
10 Жапоний Корея вони	10,74
10 Япония иенаси	102,84
1 Россия рубли	39,22
1 Украина гривнаси	203,65

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Европа тажрибаси асқотмоқда

Мамлакатимизда ёш авлодни хар томонлама камолга етказишга, хусусан, таълим тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Жумладан, ўрта махсус ва касб-хўнар таълимини такомиллаштириш, йигит-қизларнинг келгусидаги камолотини таъмин этиш, уларнинг ҳаётда ўз йўлини топа олишига кўмаклашиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу борада халқро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам катта самара берапти.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта-махсус касб-хўнар таълими маркази кўпдан бери турли хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келади. Айни пайтда Европа Иттифоқи кўмағидаги «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилган.

Даставвал мазкур лойиҳанинг мақсади ва вазифалари ҳақида икки оғиз сўз: бу йўналишдаги лойиҳалар Европада Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда жорий этила бошлаган ва фарб мамлакатларида ўрта махсус таълим тизимининг янада яхшилланишига асос бўлган эди. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларда бу тажриба синбаб кўрилди. 2004 йилнинг июнь ойидан бошлаб Ўзбекистонда Европа парламенти томонидан молиялаштирилган ана шу йўналишдаги лойиҳа иш бошлади.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Касб-хўнар таълими маркази томонидан

лоийҳада белгиланган ишлар мувофиқлаштириб боришмоқда.

— Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда касб-

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик

хўнар таълими тизимини дунё талаблари даражасида такомиллаштиришдан иборат, — дейди «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик лойиҳаси» гуруҳ раҳбари Ласкуале Ливерани. — Шунингдек, бу соҳада ижтимоий ҳамкорлини ривожлантириш бўйича амалий тadbирларни мунтазам ўтказиб борамиз.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари мустақамлан-ни бораётган бир пайтда касб-хўнар таълими муассасалари ва иш берувчи корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Бу хар икки томон учун ҳам фойдалидир. Чунки, коллеж битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш зарур. Бу борада талаб ва таклиф уйғунлиги ниҳоятда муҳимдир.

Шу боис жойларда қий-мати 950 минг еврога тенг бўлган ушбу лойиҳа доира-сида коллежлар, иш берув-чилар, уларнинг бирлашма-лари, касаба уюшмалари ва давлат ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш, ўқитувчиларнинг малакаси-ни ошириш, ўқув муассаса-ларининг техникавий база-сини мустаҳкамлашга кўма-клашиш кўзда тутилган.

Жаноб Ливеранининг айт-ишича, айни пайтда Тош-кент шаҳри, Тошкент, Бу-

хоро, Навоий, Самарқанд вилоятларидаги саккизта коллеж лойиҳага киритил-ган. Ҳозир жойларда маҳал-лий ва халқро экспертлар-дан иборат гуруҳлар мазкур лойиҳада белгиланган вази-фаларни бажариш юзасидан иш олиб бормоқда. Айни чоғда қисқа муддатли хори-жий экспертлар сифатида Даниядаги Аархус техника коллежи, Копенгаген Кон-салтинг ҳамкорлиги ва Хельсинки Консалтинг гу-руҳи сингари ташкилотлар-нинг етакчи мутахассисла-ри ишга жалб этилган.

— Касб-хўнар таълими самарадорлигини ошириш-да ўқитувчи-кадрларнинг малакасини кўтариш катта аҳамиятга эга, — дея сўзи-да давом этади гуруҳ раҳ-бари. — Шу боис уларнинг тажрибасини орттириш учун ривожланган Европа мамла-

катларига ўқув саёхатлари уюштириш ҳам режамизга киритилган. Шу йилнинг май ойида юқоридаги кол-лежларда дарс берадиган ўн беш нафар ходимини Дани-янинг Аархус техника кол-лежига юбориш мўлжалла-напти.


Албатта, хар бир мамла-катнинг ўзига яраша шарт-шароити, маҳаллий хусуси-ятлари мавжуд. Шунини ҳисобга олган ҳолда лойи-ҳага киритилган коллежлар-да амалга оширилган иш-ларнинг режалаштиришда ўша худуднинг хусусиятла-ри эътиборга олинади.

Мазкур лойиҳа самара-дорлигини таъминлашда мамлакатимиздаги қатор идора ва ташкилотларнинг фаол иштироки катта ўрин тутди. Шу боис белгилан-ган чора-тadbирларни амал-га оширишда Ўрта махсус касб-хўнар таълими тизими кадрлари малакасини оши-риш ва уларни қайта тайёр-лаш институти, Республи-ка савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон касаба уюшма-лари федерацияси ижтимо-ий ҳамкорлар рўйхатиға кир-итилган.

Мамлакат келажак ёш авлод кўлида экан, улар-нинг камолоти учун албатта зарур шарт шароит ярати-б берилиши лозим. Ушбу лойиҳа доирасида қилини-ши кўзда тутилган ишлар ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилади.

Мақсуд МИРЗО.

Марра яқин



(Давоми. Боши 1-бетда).

етиб келишди. Барча иштирокчилар тиббий кўриқдан ўтказилди. Айниқса Ғузор ёшлари билан учраш мароқли келди. Умумаммамакат ма-рафонни қатнашчилари Қамаш, Яккабоғ, Шах-рисаб ёшлари орқали

нинг муносабатлари, бо-сиб ўтилган манзиллар, шаҳар ва кишлоқлари-мизда амалга оширила-ётган бунёдкорлик иш-лари ҳақида сўзлаб бер-моқдалар.

— Болалигимдан ку-рашга қизиқман, ҳозир фарзандларим ҳам ку-раш билан шуғулланиша-ди, — дейди қамашлик Дўстқобил бобо Ибраги-мов. — Марафон қатна-шчилари кишлоғимиздан ўтганда ўзим ҳам уларга қўшилиб кетдим. Кўп ай-тилган бўлса ҳам яна бир бор таъкидламоқчиман. Спортнинг бирор тури билан шуғулланган киши доимо соғлом бўлади.

Нукусдан старт олган биринчи йўналиш қат-нашчилари ҳам Хоразм, Бухоро ва Навоий вило-ятларини ортда қолди-риб, кеча Самарқанд ви-лоятиға етиб келишди. Эртаға учинчи — На-манган — Андижон — Фаргона — Тошкент йўна-лишиға старт берилди.

З. ТОШТЕМИРОВ.



Уктам Муҳаммадиев «Ахборот»дан берилган дахшатли сув тошқинларини, неча юз минглаб одамнинг ҳаётига зомин бўлаётган цунамиларни кўриб, изтироб-ли хавфларга толди... Ахир, бир неча юз минг одам... Айтишга осон!

«Уйлаб қарасанг, сувнинг ози ҳам бало, кўпи ҳам...» У олис ёшлигини эслади. Хоразм сув йўлларининг солмалари (ариқлар), ёллари (ариқлардан каттароқ сув йўллари), арнолари, яъни улкан каналлари... Буларнинг барчаси йил сайин тозалаб туришни тақозо қиларди. Чунки Амударёнинг суви ниҳоятда лойқаланиб оқар, таркиби турли маъданли моддаларга бой бўтана сув воҳанинг ҳам бахти, ҳам шўри эди. Бахти, бу сув тулроқни табиий озиклантириб, жуда ҳосилдор қиларди. Шўрки, уни ҳар йил, аксарият ҳолларда қўлда тозалаб туришга тўғри келарди. Қазув кунлари ёдида. Қазув-

бўлмиш Хоразмга келди. Дастлаб сув ҳўжалиги бошқармасининг Лойиқа кидирув бўлимига муҳан-дислик вазифасига ишга қабул қилинди. Кейин шу бошқармада бош муҳан-дис бўлиб ишлади. Ет-мишинчи йилгача шу ҳўжалик негизда ташкил қилинган лойиҳалаш ва топогеодезик ишларга раҳбар бўлди. 1970 йил-дан 1991 йилгача — Хо-разм вилояти сув ҳўжали-ги ишлаб чиқариш бош-

чиқсанг, ўз хонадонинг вақилисан, маҳаллангдан шаҳарга чиқсанг — ўз ма-ҳалланг вақилисан, шаҳ-рингдан узоқроққа йўл олсанг — шаҳринг вақи-ли. Хоризмга чиққангизда эса, сен халқингнинг, ва-танингнинг вақилисан. Ҳам мутахассис сифати-да, ҳам ўзбек халқининг вақили сифатида масъу-лиятимни, бир лаҳза бўлсин, унутмадим. Нати-жада ўз халқининг ҳам, ўша мамлакат фуқарола-

«Ватан гурури» танловига

лар... Амалга оширган ва амалга ошираётган иш-лари қошида у олган техни-ка фанлари номзоди или-мий унвони беҳад кичрай-иб қолади. Фарзандлари Зокиржон, Шокиржон, Захиротбек, Шухратбек-лар ота изидан юриб во-яга етишди. Уларнинг бар-часи сув ҳўжалиги хо-димлари. Улкан бир зиёлилар су-лоласини тарбиялаб во-яга етказишнинг ўзидек фидоийлик намунаси. «Бу

лар билан таъминлаш-ни яхшилаш керак, — деди у илмий кенгаш-лардан бирида.

Тиниб-тиничини бил-майдиган бу одам у ерга кидри, бу ерга ёзди, қат-нади, тушунтирди, ишон-тирди... Хуллас, мутасад-диларни тинч қўймади. Уни Урганч давлат уни-верситети ректори, ака-демик Азимбой Саъдул-лаев яхши тушунди.

— Майли, Уктам ака, мутасаддилар билан маслаҳатлашиб шароит яратиб беришга ҳаракат қиламиз. Штат ҳам топа-миз, жой ҳам ажратамиз. Бироқ бош-кош бўлади-ган бир одам керак. Шундай одам топилади-ми?

— Мана, менинг ўзим! Шундай қилиб, УрДУ Агроменеджмент факультетининг Хива шаҳрида кафедраси ташкил қил-инди. Уктам Муҳаммади-ев ҳозир мана шу кафед-ра мудири. Айни кунлар-да академияда камроқ, троллейбусда кўпроқ уч-рашамиз. У кўпинча хаёл суриб бораётган бўлади, китоб дафтарлар билан тўла сумкасини бўш ўриндиққа қўйганича бар-роқ қошларини қаншари-га жамлаб, бир қафти янгида, ўй ўйлаб кетаёт-ган бўлади. Биламан, у ҳозир уйига етиб борган, неваралари бағрида бирпас ором олади. Кейин бирпасга телеви-зорни бурайди. Яна у хаёл суради. «Сувнинг ози ҳам бало, кўпи ҳам бало. Бу балони тизгин-лашга қурбимиз етар-микан?»

Етади! Чунки бу оддий, ниҳо-ятда оддий одам шунга қаттиқ қарор қилган. У ҳадеганда қароридан қайтадиганлардан эмас. «Гоҳ ватанида, гоҳ хо-рижда, гоҳ шаҳарларда, гоҳ саҳроларда саргаш-та бўлиб кезади... Ўзи нимани излайди у? Та-биатан маишпараст эмас. Бироқ фарзандла-рим фаровон ҳаёт кечир-син, дейди. Қайси бири ўн, қайси бири йигирма, ўттиз, қирк ва ундан ҳам зиёдрок йиллар аввал бу ерларни тарқ этиб кет-ган ўт-ўланларнинг, ан-войи меваларга волида бўлмиш қўтлуғ дарахт-ларнинг юртимизга қай-тиб келишини истайди. Ватанимизга боллар қайтсин, дуркун-дуркун ёшлар қайтсин, бахт қайтсин, дейди. Шунинг учун ҳам ўзида бор би-лимларни, малакани, тажрибани ёшлар билан баҳам кўради, бир оёғи ҳамиша ўқув юртларида, олий bilim даргоҳлари-да. Маърузалар, илмий-амалий машғулотлар учун ҳамиша фурсат топиш ҳаракатида. «Худого шу-кур, шогирдларим кўп. Улар халқ ҳўжалигининг турли масъул соҳалари-да, аксарияти иррига-торлар бўлиб хизмат қилишади», — деб шо-гирдлари билан фабрла-нади.

Уктам Муҳаммадиев-нинг келажақдан умиди катта. Жуда ҳам катта. Чунки у эндигина етмиш ёшдан ошди...

Матнозор АБДУЛҲАКИМ.



Очерк

қармасида бош муҳандис. Хатто масъул вазифа-ларда ишлаганида ҳам Уктам Муҳаммадиев хона-нишин раҳбарлардан эмасди. У амалиёт, меҳнат кучида эди. Шунинг учун ҳам уни тизимдаги барча ходимлар дилдан ҳурмат қиларди.

Утган асрда Хоразм су-ғориш тарихида бир ма-шаққат келиб чиқди. Янги ерларга эҳтиёж кучаявер-гач, Хоразм воҳасининг катта қисмини қоплаб турган қўллар кўмиб ю-борилди. Қўлларнинг эса экологик мувозанатни сақлашда улкан аҳамияти бор эди. Улар сув бугла-ниши натижасида қанча-лаб кубокилометр ҳажм-даги зах сувларни ҳавога чиқариб юборар, шу ту-файли сунъий ирригация сув йўлларига-зовурларга эҳтиёж у қадар кучли эмас эди. Қўллар туга-тилиб, ўрни экин ерлар-га айлантирилгач, зовур-ларга эҳтиёж кучайиб кет-ди. Мазкур жабҳада ҳам Уктам Муҳаммадиевнинг тажрибаси, билими қўл келди. У ва профессионал мироблар ўзаро маслаҳат-лашиб, Хоразмда сизот сувларни бартараф қилиш масаласини илмий асосда ҳал этдилар. Ана шунда Уктам Муҳаммади-ев эришиб келаётган му-ваффақиятлар унга обрў олиб келди. Масалан, Су-рия Араб Республикаси-да ишлаш учун етук мута-хассис-ирригатор талаб қилинганда, ҳамманинг но-доғи унга қаратилди. Модомики, хорижа кўмак зарур бўлиб қолган экан, бундай жабҳада етук му-тахассиснинг ишлагани, ўз зиммасидаги вазифа-ни ҳеч бир муболагасиз шараф билан бажара ола-диган инсоннинг бўлгани маъқул.

— Сурияда ишлаган йилларим ҳаётимдаги энг масъулиятли давр бўлди, — дейди Уктам Муҳамма-диев. — Янги шароит, синашга бўлмаган одам-лар. Ҳамманинг кўзи сен-да. Масаланинг яна бир томони бор. Сен агар хо-надонингдан маҳаллага

рининг ҳам кўнглини топ-дим, деб ўйлайман. Фао-лиятим туфайли Сурия Арабистонинда суғориш ишлари сезиларли яхши-ланди.

Шундай қилиб, юксак малакали ирригатор Фирот дарёсида бунёд эти-лаётган йirik гидроузел, гидроэлектростанция, ҳажми 14 км. куб келди-ган сув омбори, канал, зовурлар қурилиши ҳамда юз эллик минг гектар янги ерларни ўзлашти-ришда бош муҳандис-экс-перт бўлиб ишлади.

Уктам Муҳаммадиев Сурия Араб Республика-сида ўз ишини қойилма-қом қилиб бажарди. Шу-нинг учун унинг хорижда-ги хизматларидан кейин Хоразм вилояти сув ҳўжа-лиги бошқармасининг техника ва ишлаб чиқа-риш бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Хоразм ҳокимлиги вилоят фан-техника марказида бош ил-мий котиб бўлиб иш-лаган даврларидаги фао-лияти самарали бўлди.

Уктам Муҳаммадиев билан суҳбатлашаркан билан, унинг хорин қиёфа-сига разм соламан. Бу одам 1969 йилдаги муд-ҳиш сув тошқини, 2000-2001 йиллардаги қурғоқ-чиликни кўрган... Бу ходисаларни кўришга-ку, ҳаммамиз кўрганмиш. Ким гувоҳ сифатида, ким жабрдийда сифатида. Бироқ Уктам Муҳаммади-ев бу балоларга қарши курашган, уларнинг оқибати учун жавобгар-лигини ўз гарданида хис қилиб яшаган халоскор мутахассис эди.

Ҳужжатларни варақла-йман. Бу йirik мутахассис ва камсукум инсоннинг монографиялари, китоб-лари, метёрий ўқув-қўлланмалари, халқаро миқёсдаги ихтиролари, рационализаторлик так-лифлари, илмий мақола-лари, республика миқёси-да илмий-амалий конфе-ренциялардаги нутқлари етмиштадан ошади. Дип-ломлар, патентлар, китоб-

хизматни келиноингиз Олимаҳон Солаева билан ҳамкорликда урдалаган-миз», — дейди ҳазил ара-лаш ифтихор билан қаҳрамонимиз.

Уктам Муҳаммадиев билан суҳбатлашаркан билан, унинг хорин қиёфа-сига разм соламан. Бу одам 1969 йилдаги муд-ҳиш сув тошқини, 2000-2001 йиллардаги қурғоқ-чиликни кўрган... Бу ходисаларни кўришга-ку, ҳаммамиз кўрганмиш. Ким гувоҳ сифатида, ким жабрдийда сифатида. Бироқ Уктам Муҳаммади-ев бу балоларга қарши курашган, уларнинг оқибати учун жавобгар-лигини ўз гарданида хис қилиб яшаган халоскор мутахассис эди.

Ҳужжатларни варақла-йман. Бу йirik мутахассис ва камсукум инсоннинг монографиялари, китоб-лари, метёрий ўқув-қўлланмалари, халқаро миқёсдаги ихтиролари, рационализаторлик так-лифлари, илмий мақола-лари, республика миқёси-да илмий-амалий конфе-ренциялардаги нутқлари етмиштадан ошади. Дип-ломлар, патентлар, китоб-

шидан далолат беради. Қолган учрашуларда қуйидаги натижа-лар қайд этилди: «Навоҳор» — Трактор- 3:0, «Шўртан» — «На-саф» 0:4, «Қизилқум» — «Маш-ал» 0:1, «Локомотив» — «Самар-ланг» жамоасининг етакчи клублардан ҳисобланган «Бухо-рончи 3:1 ҳисобида доғда қўл-дириши чемпионат ўйинлари қизгин курашлар остида ўти-

Миллий терма жамоамиз 25 март кuni Кувaйт терма жамоаси, 30 март кuni эса Жа-нубий Корея терма жамоасига қарши сафарда жаҳон чемпи-онати иккинчи босқич саралаш учрашувида катнашиши ва Ўзбекистон Кубоги мусобақала-ри ўтказилиши муносабати билан иккинчи тур ўйинлари 10 апр-елда ўтказилди.

Уа муқбиримиз.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Тель-Авив мажбуриятларни бажараяпти

Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг Фарбий қирғоғидаги Тулқари шаҳрида хавфсизликни таъминлаш ваколатини Фаластинга беришни мўлжал-ляпти. Айни пайтда Иерихон шаҳри назорати тўлиқ Фаластин маъмуриятига берилди. Исроил мудофаа вазирининг сўзларига қараганда, энди-ликда Рамаллоҳ, Вифлеем ва Калкилий шаҳарла-рини фаластинликларга топшириш юзасидан чо-ралар қўрилаяпти.



Сайлов кuni белгиланди

Афғонистонда парламент сайловлари 18 сентябрда ўтказилиши белгиланди. Бу ҳақда БМТ билан ҳамкорликда тузилган Афғонистон марказий сайлов ко-миссияси маълум қилди. Уша кuni парла-ментнинг қўйи палатасига ҳамда ма-ҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Бундан бир муддат олдин сайлов хавфсизлик ва бошқа бир қатор техник сабабларга қўра кечиктирилган-ди.

юзасидан муҳокамалар бошланди. Ушбу йигилиш Европа Кенгашининг Парламент Ассамблеяси томонидан қабул қилинган махсус резолюцияга мувофиқ ташкил қилиняпти. Муҳокамаларда Чеченистон ҳукума-тидан, Россия президенти маъмурия-тидан ҳамда турли нодавлат-нотижорат ташкилотлардан 60 га яқин вакиллар катнашишмоқди. Йигилишга чечен айирмачилари таклиф этилмади.

Муносабатлар кескинлашмоқда

Ироқда фаолият юритаётган Амери-ка ҳарбийларининг билдиришича, Бағ-додда бўлиб ўтган отишмалар чоғида 24 нафар жангари йўқ қилинди. Олти



нафар ҳарбий хизматчи жароҳатланди. Айни пайтда Ироқ ва Иордания ўрта-сидаги муносабатлар кескинлашмоқда. Ироқ ҳукумати Иорданиядан ўз элчи-сини қақириб олди. Расийи Бағдод февраль ойида Хилле шаҳрида содир этилган портлашда Иорданиянинг қўли бор деб тахмин қилаяпти. Бундан таш-қари, иорданиялик жангарилар мамла-кат ҳудудида тартибсизликлар келти-риб чиқаришга уринаётганликда айб-ланмоқда.

Ироқ марказида бўлиб ўтган норози-лик намойиши катнашчилари Иорда-ниянинг Ироқдаги элчихонаси тегаси-га илинган байроқни ёқиб юборгандан сўнг бу мамлакат ҳам юқори лавозим-ли дипломатини мамлакатга қақириб олди.

Музокарага рози

Хитой Шимолий Корея билан олти то-монлама музокараларни тиклаш учун ҳар бир тараф билан ҳамкорлик қилиш-га тайёр. Бу ҳақда Хитой давлати раҳ-бары Ху Цзиньтао АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс билан Пекинда бўлиб ўтган учрашув чоғида маълум қилди.

Маълумот ўрнида эслатиб ўтаимиз, расмий Пхеньян 10 февралда олти то-монлама музокараларнинг навбатдаги босқичини номатълум муддатга кечик-тирганди.

Халқаро ташкилот ислоҳга муҳтож

БМТ Бош котиби Кофи Аннан аъзо мамлакатлар раҳбарларини халқаро ташкилотни тубдан ислоҳ қилиш такли-фини маълумлашларини сўраб мурожа-ат қилди. У БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларини кўпайтириш ҳамда терро-ризмни келтириб чиқарадиган ҳар кан-дай кучларга қарши ҳарбий ҳаракатлар қўлланилишини таклиф этаяпти. Бун-дан ташқари, Бош котиб маърузасида мазкур халқаро ташкилот Ер юзидagi барча аҳолининг тинчлигини қафолат-ловчи тизим марказига айланмоғи ҳақида гап боради.

Чеченистон муаммоси муҳокамада

Европа Кенгашининг Страсбургдаги бош қароргоҳида Чеченистондаги зид-диятчи сиёсий йўллар билан ҳал этиш

Қирғизистонда намойиш



Халқаро ҳамжамият ҳукумат ва мухолифатчиларни барча масалаларни тинч йўл билан ҳал этишга қақирди.

Қирғизистон жанубидаги Жалолобод шаҳрида кўпнинг кишилик норозилик намойиши ўтказилмоқ-да. Сўнгги маълумотларга қараганда, намойиш қат-нашчилари шаҳарда назоратни ўз қўлига ол-ганлар. Мухолифатчилар ҳукуматни ақинда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларини сохта-лаштирилганликда айблаг, президентнинг истефо-сини талаб қилишяпти.

Қирғизистон ҳукумати митинг қатнашчилари билан музокаралар ўтказишга тайёр. Бу ҳақда мам-лакат бош вазири Николой Танаев мухолифат етак-чилари билан телефон орқали бўлиб ўтган музока-

Покистонда яна портлаш

Покистон жанубидаги Белужистон му-зофотида рўй берган портлаш оқибати-да 30 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлди, ўнлаб киши жароҳатланди. Ша-ҳарнинг диний маросимлар ўтказиладиган жойига 20 минг нафарга яқин аҳоли йиғилганда портловчи ускуна ишга ту-шиб кетган. Ҳозирча мазкур ҳунрезлик-ни ҳеч бир террорчи ташкилот ўз зим-масига олмаяпти.

Жарима бекор қилинади

Авалги қондаларга қўра, Европа Ит-тифоқига аъзо давлатларда бюджет тақ-чилиги ўз фондан ошмаслиги лозим бўлиб, агар ҳукумат бунга қарши за-длик билан чоралар кўрмаса, катта жа-рима солинадиган. Ушбу келишувнинг баъзи қисмларини енгиллаштириш юза-сидан ЕИга аъзо мамлакатлар молия ва-зирлари қатъий қелишувга эришдилар. Мутахассисларнинг тахминларига қўра, жорий йилда иттифоқдаги 25 дав-латдан 11 тасида бюджет тақчилиги 3 фондан ошади. Жаримани бекор қилиш тўғрисида амалда ўзаро кели-шувга эришилди, бироқ мазкур кели-шув бугун бошланганди ЕИ етакчилари саммитида тасдиқланиши лозим.

Обу ҳаёт етишмайди

Ер сайёрасидаги ҳар беш боладан бирига тоза сув етишмайди. Бу ҳақда БМТнинг бола-лар муаммоси билан шуғул-ланувчи тар-моғи — ЮНИ-СЕФ маълум қилди. Ташки-лот маълумот-ларига қара-ганда, ноҳус санитар ҳолат-лар туфайли ҳар йили 1,5 миллион на-фар гўдак ҳаётдан кўз юмади. Деярли

ҳар кuni 4 минг нафар бола сув орқали касаллик юқтираяпти. Бугун — Бутунжаҳон сув кuni. Шу му-носабат билан ЮНИСЕФ маърузаси эълон қилинди. Ташкилот келтирган маъл-умотларга қўра, ҳар бир болага кuniга ўртача 20 литр тоза ичимлик суви зарур бўлар экан.

Японияда зилзила

Япония жанубида жойлашган Кюсю оролида Рихтер шкаласи бўйича 7 бал-лик зилзила қайд этилди. Сўнгги маъл-умотларга қараганда, бир одам ҳалок бўлган, 500 га яқин аҳоли жароҳатлан-ган.

Ер силкиниши маркази оролдан 70 километр узоқликда бўлган. Мазкур та-биий офат оқибатида бир неча бино-лар қулаб тушди. Поезд қатнови тўхта-тилди. Мутахассисларнинг оғохлантири-шича, яна 6 баллик зилзила қайтари-лиши мумкин. Ер силкиниши океан қаърида рўй берган бўлса-да, цунами келиб чиқиш хавфи йўқ.

Маҳаллий оммавий ахборот восита-лари тарқатган хабарларда айтилиши-ча, мазкур ер қимирлаши Токио ва Се-улда ҳам сезилган.

Саммитга таёйёрлик

Утган ҳафта охирида Парижда Рос-сия, Франция, Германия ва Испания ҳукумати раҳбарларининг норасмий уч-рашуви бўлиб ўтди. Владимир Путин мазкур учрашувини Россия-ЕИ саммити-га таёйёрлик дея баҳолади. Унинг билдиришича, давлат ва ҳукумат раҳ-барлари ички ва ташқи хавфсизлик, ижтимоий муаммолар ва маданият ма-салалари юзасидан ўзаро фикр алмаш-дилар. Бундан ташқари саммит ишти-роқчилари Россия, Франция, Германия ва Испания энергетика вазириларининг учрашувини ташкил қилиш юзасидан қарор қабул қилдилар. Вазирлар да-ражасидаги ушбу учрашув икки ойдан сўнг Москвада бўлиб ўтади.

Россия-ЕИ саммити 10 май кuni Мос-ква шаҳрида ўтказилиши мўлжаллана-япти.

Футбол



Утган шанба ва яқшабна кун-лари футбол бўйича мамлакат 14-миллий чемпионати бирин-чи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Кураш қизийдиганга ўхшайди

Мамлакатимизнинг бош жа-моаси «Пахтакор» ўз майдо-нида Жиззахнинг «Сўғдиёна» клубини 5:0 ҳисобида мағлуби-ятга учратди. Олий лигада илк мавсумни ўтказаятган «Тўпо-ланг» жамоасининг етакчи клублардан ҳисобланган «Бухо-рончи 3:1 ҳисобида доғда қўл-дириши чемпионат ўйинлари қизгин курашлар остида ўти-

Миллий терма жамоамиз 25

март кuni Кувaйт терма жамоаси, 30 март кuni эса Жа-нубий Корея терма жамоасига қарши сафарда жаҳон чемпи-онати иккинчи босқич саралаш учрашувида катнашиши ва Ўзбекистон Кубоги мусобақала-ри ўтказилиши муносабати билан иккинчи тур ўйинлари 10 апр-елда ўтказилди.

Уа муқбиримиз.



Навбахор

Янги йил Навбахор эл учун азал,
Қутлуғ умид билан қарар олдингга,
Ердан ниш уриб гулгунча бу маҳал,
Уфурар заминнинг кўркин оламга.

Бир ажиб руҳ кезар масрур дилларда,
Шимаради энгин миришкор дехқон,
Бахтини кўради яшил гулларда,
Ёз келиб гуллари уяди хирмон.

Мен кўргум Навбахор
гаштин қирларда,
Юртимда ёйиқли
элим иқболи.

Хар гунча товланур тонги нурларда,
Уларда жам асаларилар боли.


Навбахор йўл олур она эл бўйлаб,
Биз унинг захматқаш марди сарқори.
Янги кун дилларни кучиб кўяр лаб,
У чаман йўлларда элим баҳори.

Муборак қутловим сенга, Навбахор,
Ёдга келур ўтган аждодлар йўли.
Истиқлолни кучан она элим бор,
У билан мунаввар авлодлар йўли.

Салом она элим, салом Навбахор,
Ёздим сени қутлаб, янги бир ашвор.

Хар нақшда хунарманд меҳри

Ўзбек маданияти, амалий санъати, анъаналари ўзига хос услубга ва бадиий тароватга эга. Шу боис у юртимизга ташриф буюрган хар бир меҳмонни ҳайратлантиради. Наврўз айёми арафасида Ўзбекистон Давлат Санъат музейида миллий анъаналаримизни акс эттирувчи ўзбек чигарлиги ва ёғоч ўймакорлиги кўргазмаси очилди.



Маълумки, Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд чигарлиги яратган дастурхон, чойшаб, парда, тахтапеч, чимилдиклари ўта нозик ва нафис нақшлари билан ажралиб туради. Музей захирасида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан йиғилган юздан ортиқ босма матолар ва бир ярим мингга яқин қолиплар мавжуд. Шунингдек,

кўргазмада уста Абдуғофуровлар сулоласининг вакиллари томонидан тайёрланган санъат намуналари ҳам намойиш этиляпти.

— Бугунги чигарлик ва ўймакорлик намуналарининг 30 таси музей ташкил топгандан бунён сакланаётган, ammo намойиш этилмаган асарлардир, — дейди Ўзбекистон Давлат Санъати музейи директо-

ри Насиба Иброҳимова. — Ушбу кўп рангли босма нақш услубида ишланган санъат буюмлари ўтган асрнинг 80-йилларида яратилган бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

Тадбирда хунарманд Абдуҳаким Абдурахимов ва унинг набираси Абдурашид Раҳимовлар яратган дастурхон, кичик сандик, ўрин жилди, безакли кийим-кечак сингари чигарлик ва ўймакорлик ишлари меҳмонлар диққат-эътиборини ўзига жалб қилди.

Наврўз шарафига уюштирилган бу тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Азамат Хайдаров иштирок этиб, кўли гул усталарнинг меҳнатлари халқимиз томонидан юқори баҳолашни беҳиз эмаслигини таъкидлаб, уларнинг бадиий меросимизни авайлашда муҳим аҳамиятга моликлигини ҳамда уни келажакка етказиш барчамиз учун фарз эканини таъкидлади.



Шоира БОЙМУРОВА,
“Халқ сўзи” мухбири.

Урганч шаҳридаги Огаҳий номли вилоят театрида болалар мусиқа ва санъат мактаблари ёш ижрочиларининг Муҳиддин қори Ёқубов номидаги республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.


Умид юлдузлари Хоразмда порлади

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ва Қорақалпоғистондан ташриф буюрган 600 нафардан зиёд иштирокчи қатнашган ушбу танловда янги овозлар кашф этилди. Хар уч йилда бир марта бўлиб ўтадиган танловда Тошкент шаҳридан Ш. Носиржонов, Н. Аглымова, наманганлик Ш. Юсупов, қорақалпоғистонлик Х. Ваисов каби ёш санъаткорларнинг маҳорати кўпчиликини лол қолдирди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

Азиз юрtdошлар!
“Ўздунробита” компанияси
Сизни баҳор ва янгиликнинг байрами —
Наврўзи омам билан муборакбод эштади.
Қар бир қонадондан шингил,
Бахш саодат, аъло кайфият ва
Барака йил давомида аримасин!



Баҳорий мулкоти!

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Қайнона-келин айтишувлари

Кибрай туманида азал-азалдан ўзбек ва қозоқ халқлари ён қўшни бўлиб яшаб келди. Уларнинг аҳил-иноқлиги байрамларни нишонлашда яққол кўзга ташланади.

Айём муносабати билан Оққовоқ қишлоғининг Дархон маҳалласи фуқаролар йиғини биносида «Меҳр — кўзда» деб номланган тадбир ўтказилди. Бир давра тарофига маҳаллада истиқомат қиладиган нуроний онахонлар, қайнона-келинлар тақлиф этилди. Байрам дастурхони хизмати эса эркаклар зиммасига юкланди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган 24-ўрта умумтаълим қозоқ мактабининг ўқитувчи-ўқувчилари иштирокида концерт дастури намойиш қилинди. Миллий урф-одатлар, қадриятларга асосланган «Бешик тўйи»

«Келин ҳайит», «Киз қувди» сингари сахна кўринишлари тадбир катнашчиларида катта таассурот қолдирди.


Айниқса қайнона-келинларнинг қозоқча айтишувлари барчага завқ бағишлади. Маҳзун, айни пайтда элгилларга таскин ва ором берувчи айтишувни қайноналар томонидан 98 ёшли Ойсара она Жумангелдиева бошлаб берган бўлса жавобини эса Асия Омонова давом эттирди.

Айтишувлардан завқланиб ўтирган 80 ёшли Банну ҳола Сидикова «Онахонинг рози қил» қўшиғини куйлаб берди.

Маҳалла қайноналари хар икки халқ орасида учрайдиган маҳол-маталлар мазмунини келинларга изоҳлаб бериш борасида танлов ҳам бўлиб ўтди.

Гулнора АҲМЕДОВА.

Соғлом фарзанд — соғлом келажак



Кейинги пайтда Кўргонтепа туманида спортга, жумладан болалар спортига эътибор кучайди. Яқинда ишга туширилган Дехқончек қишлоғидаги спорт мажмуасида ҳозирда спортнинг 11 тури бўйича 360 дан зиёд ёшлар мунтазам шугулланмоқда. 2000 ўринли стадион ҳамда спорт залидаги 16 та соғломлаштириш мосламаларида қишлоқ ёшлари чиниқиш машғулотларини ўтказишяпти.

Мана шундай спорт мажмуаси Дардоқ қишлоғида ҳам қурилмоқда. У ишга тушгач, 3000 нафар ўсмир спорт билан шугулланиш имконига эга бўлади.



СУРАТЛАРДА: дехқончеклик ёшлар ва мураббий Фуломжон Ғолипов машғулот ўтказётган пайт акс этган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

**Корхона чет эл автоматикаси билан
жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача
бўлган газ, электр ва кўмир билан
ишлайдиган сўв иситувчи қозонлар
ишлаб чиқаради ва сотади.**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Чирчиқ ш., «Кангли» к., 16-«А» уй.

Телефонлар:
8 (371-71) 54-791, 54-082,
8 (371) 100-99-05.

e-mail: harakat_2004@mail.ru

**ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН
ТАКЛИФНОМА
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ**

«Она ва бола скрининг» давлат дастурини амалга ошириш доирасида хомилдор аёллар ва чақалоқларда патология ва туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида ҳамда уларни зарур доридармонлар билан таъминлаш учун қуйидаги:

- таркибиде йод моддалари бўлган дори-дармонлар (йодиди калия);
- тиреоид препаратлари (левотироксин натрий 100 мкг №100) — 2000 ур. га

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭТМОҲ ҚИЛАДИ.

Мазкур лойиҳа доирасида тендерга эълон қилинган дори-дармонларни ишлаб чиқариш ва етказиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида иштирок этиш учун тақлиф этилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар ҳамда тўлов бажарилганлиги тўғрисида ҳужжатлар нусхаси кўрсатилган манзилга топширилгандан кейин, тендер ҳужжатлари тўплами, яъни тендер (савдо) иштирокчилари учун кўрсатма, тендер тақлифларининг шакли, шунингдек, шартнома шаклларини олишингиз мумкин.

Тендер ўтказилишига доир бўлган саволлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз сўралади: «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, 700047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15-уй.
Факс: (+998 71) 133-89-49. Тел.: (+998 71) 132-00-82/83.
Мулқот учун шахс — Людмила Абдуллаева.
Тендер тақлифлари бўйича охири мuddат — 2005 йил 22 апрель соат 12:00 гача (Тошкент вақти билан).

**Маҳалланинг
намунали қизи**

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахт қизлари ўртасида уюштирилган «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик танлови якунланди.

Танловнинг шаҳар босқичида дилбар қизлар пандачилик маҳоратларини синовдан ўтказдилар, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид саволларга жавоб қайтардилар, оиладаги ўзаро муносабатлар ва турмушда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳақида сахна кўринишлари намойиш этдилар.

Барча шартларни муваффақиятли бажарган Яққасарой туманида яшовчи Одина Абдиева танлов ғолиби деб топилди.

Ш. ҚўҚОРОВ.

ЮЖКАБЕЛЬ

ОТ ОФИЦИАЛЬНОГО ДИЛЕРА СО СКЛАДА Г. ТАШКЕНТА.

(АВВГ от 2 х 2,5 до 4 х 240, ААШВ, (АСБн)-10 от 3 х 95 до 3 х 240.

**КАБЕЛИ СВЯЗИ: МКС, ТЭГ.
ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИЙ КАБЕЛЬ.**



ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
(ичейки, трансформаторные
подстанции, дизель-генераторы)

**Т/ф.: (998 71) 136-01-54,
133-12-84.**

E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан руйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Тижорат материаллари

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзилова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Муасхххх — М. Ёкубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ҲАЯ якуни — 22.30
Топширилди — 22.40
23456